

**Ўзбекистон Республикаси Банк-молия
академияси бакалаврият ва
магистратурасига
қабул қилиш тартиби тўғрисидаги
Низомга 2-илова**

**Талабгорнинг компьютер техникаси дастурий таъминотига қўйиладиган
талаблар**

I. Компьютер техникасига қўйиладиган талаблар:

1. Ишчи ҳолатдаги компьютер ёки ноутбук (мобил қурилмалар қўллаб-қувватланмайди).
2. Windows операцион система (7, 8, 8.1, 10-версиялар) ёки Mac OS X Yosemite 10.10 ва ундан юқори операцион система.
3. Имтиҳон топшириш кунда Google Chrome интернет-браузернинг охириги версияси (браузер версиясини текшириш ва янгилаш учун қуйидаги ҳаволадан фойдаланиш мумкин <chrome://help/>) ёки Яндекс браузернинг охириги версияси.
4. Ишлаётган ва ёқилган видео-камера (шу жумладан, ноутбукдаги).
5. Ишлайдиган ва ёқилган микрофон (шу жумладан, ноутбукдаги).
6. Фойдаланувчида камида 5 Mbit/секунд тезликда маълумотларни узатиш имкониятини берадиган мунтазам интернет алоқасининг мавжуд бўлиши.
7. Агар сизнинг компьютерингиз ушбу талабларга жавоб бермаса, у ҳолда тест синовларини топшириш имконияти йўқ.

II. Иштирокчини рўйхатга олиш ва қайд этиш

8. Иштирокчи ўзига берилган логин ва паролдан фойдаланган ҳолда тизимда рўйхатдан ўтади.
9. Кириш имтиҳонидан олдин иштирокчи компьютер техникасининг ишчан ҳолатда эканлигига ишонч ҳосил қилиши керак:
 - камера и микрофоннинг ёқилганлиги;
 - камера объективкаси тўсилиб қолмаганлиги;
 - хонанинг етарлича ёритилганлиги;
 - интернет алоқа яхши эканлиги.
10. Компьютер созлигини имтиҳон топширишдан камида бир кун олдин кўриқдан ўтказиш лозим, агар муаммо юзага келса уни бартараф этишга вақт бўлиши учун.